

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ  
ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19797578>

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги  
университети профессори М.А. Усманова  
мустақил изланувчи Д.Д.Аҳмедова*

**Аннотация:** Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқий мақоми субстантив тенглик концепцияси асосида комплекс ҳуқуқий конструкция сифатида таҳлил қилиниб, халқаро ҳуқуқий стандартлар, миллий қонунчилик нормалари ҳамда эмпирик маълумотлар асосида меҳнат муносабатларида тенг имкониятларни таъминлаш муаммолари ёритилган. Формал ва субстантив тенглик моделларининг назарий фарқлари очиб берилган, «оқилона мослаштириш» принципининг ҳуқуқий табиати асосланган. Шунингдек, давлат меҳнат инспекцияси, суд ҳимояси ва иқтисодий рағбатлантириш механизмларининг роли таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқий мақомини кўп элементли тизим сифатида такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар ва амалий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат ҳуқуқи, ҳуқуқий мақом, субстантив тенглик, формал тенглик, оқилона мослаштириш, дискриминация, квота тизими, меҳнат инспекцияси, ижобий мажбуриятлар.

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВА НА ТРУД ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ:  
ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ**

**Аннотация:** В статье анализируется правовой статус лиц с инвалидностью в сфере труда как комплексная правовая конструкция, основанная на концепции субстантивного равенства. На основе международных стандартов, норм национального законодательства и эмпирических данных исследуются проблемы обеспечения равных возможностей в трудовых отношениях. Раскрываются теоретические различия между формальной и субстантивной моделями равенства, обосновывается правовая природа принципа «разумного приспособления». Особое внимание уделено роли государственной инспекции труда, судебной защиты и экономических механизмов стимулирования работодателей. В результате сформулированы теоретические выводы и практические предложения по совершенствованию правового регулирования трудовых прав лиц с инвалидностью.

**Ключевые слова:** лица с инвалидностью, трудовое право, правовой статус, субстантивное равенство, формальное равенство, разумное приспособление, дискриминация, квотирование, инспекция труда, позитивные обязанности.

**ENSURING THE RIGHT TO WORK OF PERSONS WITH DISABILITIES: A THEORETICAL AND LEGAL PERSPECTIVE**

**Abstract :** *The article examines the legal status of persons with disabilities in the field of labor as a complex legal construct based on the concept of substantive equality. Drawing upon international legal standards, national legislation, and empirical data, the study explores the challenges of ensuring equal opportunities in employment relations. The theoretical distinctions between formal and substantive equality are analyzed, and the legal nature of the principle of reasonable accommodation is substantiated. Particular attention is paid to the role of labor inspectorates, judicial protection mechanisms, and economic incentives for employers. The research formulates theoretical conclusions and practical recommendations aimed at improving the legal framework governing the labor rights of persons with disabilities.*

**Keywords:** *persons with disabilities, labor law, legal status, substantive equality, formal equality, reasonable accommodation, discrimination, quota system, labor inspection, positive obligations.*

Тарихий тараққиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий муносабат жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ахлоқий асослари эволюцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўзгариб борган.<sup>12</sup> Агар илк босқичларда улар жамият ҳаётида иштирок этишга номуносиб субъектлар сифатида баҳоланган бўлса, бугунги кунга келиб тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида эътироф этиш тенденцияси устувор аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараёнлар натижасида «ногиронлик» тушунчасининг мазмун-моҳияти ва унинг ҳуқуқий талқини сезиларли даражада қайта шаклланди ва мазкур категория биомедикал ёндашув доирасидаги чекланган тавсифдан ижтимоий ва ҳуқуқий омилларни қамраб олган комплекс концепцияга айланди. Ногиронликнинг ҳуқуқий белгилари ва мезонлари шакллантирилди, уни баҳолашда функционал имкониятлар ва ижтимоий муҳит таъсири ҳисобга олина бошлади.<sup>13</sup>

ВМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi инсон ҳуқуқларининг универсал стандартларини белгилаб берди.<sup>14</sup> Хусусан, 23-моддада ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган, 7-моддасида эса камситишнинг ҳар қандай шаклидан тенг ҳимояланиш кафолатланган.

Мазкур халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий сиёсатнинг парадигмал ўзгаришига замин яратди. Парвариш ва ижтимоий таъминотга асосланган патерналистик ёндашув ўрнини тенг ҳуқуқли иштирок ва интеграция концепцияси эгаллади. Кейинги даврда қабул қилинган халқаро

<sup>12</sup> Барнс К., Мерсер Г. Ногиронлик социологияси. – Кембриж: Polity Press, 2010.

<sup>13</sup> Оливер М. Ногиронлик сиёсати. – Лондон: Macmillan, 1990.

<sup>14</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь

хужжатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётига тўлиқ интеграциясига тўсқинлик қилувчи институционал ва инфратузилмавий тўсиқларни бартараф этиш зарурати алоҳида таъкидланди.<sup>15</sup>

Замонавий конституционализм ва инсон ҳуқуқлари доктринаси шароитида меҳнат қилиш ҳуқуқи шахснинг ажралмас ва табиий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилади.<sup>16</sup> У нафақат иқтисодий фаолиятни амалга ошириш воситаси, балки инсон кадр-қимматини таъминлаш, ижтимоий интеграцияни мустаҳкамлаш ҳамда фуқаролик жамиятида тенг иштирок этиш механизми сифатида намоён бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун мазкур ҳуқуқ алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга, чунки уларнинг меҳнат муносабатларида иштирок этиши кўп ҳолларда институционал, инфратузилмавий ва ижтимоий тўсиқлар билан чекланади.

Ҳуқуқий мақом категорияси умумий ҳуқуқ назариясида субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни амалга ошириш кафолатлари ҳамда юридик жавобгарлик элементларини қамраб олган тизим сифатида талқин этилади.<sup>17</sup> Меҳнат ҳуқуқи соҳасида мазкур категория ходимнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатини ифода этади. Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан эса ушбу тушунча кенгайтирилган мазмунга эга бўлиб, у умумий ҳуқуқий лаёқат билан бирга махсус кафолатлар ва давлат ҳамда иш берувчининг ижобий мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади.

Формал тенглик модели барча субъектларга бир хил ҳуқуқий режим татбиқ этилишини назарда тутаяди. Бироқ ижтимоий нотенглик шароитида бундай ёндашув реал тенг имкониятларни таъминламайди.

Субстантив (моддий) тенглик концепцияси эса тенгликни имкониятлар ва натижалар даражасида таъминлашни талаб қилади. Ушбу ёндашув доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ижобий чоралар кўриш ҳуқуқий мажбурият сифатида қаралади. Демак, махсус кафолатлар имтиёз эмас, балки тенг имкониятларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни бапро этиш моделидаги бош тамойиллардан бири – кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат бўлиб, унинг мақсад-моҳияти жамиятда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг рўёбга чиқарилиши учун қулай шарт-шароит яратиш, бу ҳуқуқлар самарали муҳофаза этилишига эришиш, ҳуллас, инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат.

О‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi<sup>18</sup> меҳнат қилиш ҳуқуқини ва камситишга йўл қўймаслик принципини мустаҳкамлайди. Ушбу нормалар универсал характерга эга бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқ татбиқ этилади.

О‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi<sup>19</sup> ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда дискриминацияни тақиқлайди, қисқартирилган иш вақти,

<sup>15</sup> Nogironlar ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. 2006 йил

<sup>16</sup> Алексеев С.С. Ҳуқуқ назарияси. – М.: Норма, 2008.

<sup>17</sup> Алексеев С.С. Умумий ҳуқуқ назарияси. – М.: Норма, 2008.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2023.

кўшимча таътил ҳамда қулай меҳнат шароитларини назарда тутати. Бироқ «индивидуаллаштирилган мослаштириш» тушунчаси норматив жиҳатдан етарли даражада аниқлаштирилмаган.

О‘zbekiston Respublikasining «Nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari to‘g‘risida»ги Қонуни<sup>20</sup> ногиронлик асосида камситишни тақиқлайди ва давлат органлари ҳамда иш берувчилар зиммасига муайян мажбуриятлар юклайди. Шу билан бирга, ушбу мажбуриятларни амалга ошириш механизмлари институционал жиҳатдан тўлиқ шаклланмаган.

Эмпирик маълумотлар меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик даражаси умумий аҳоли кўрсаткичларига нисбатан пастлигича қолаётганини кўрсатади.<sup>21</sup> Қатор ҳолатларда улар ноформал секторда фаолият юритади, бу эса ижтимоий ҳимоя кафолатларининг чекланганлигини англатади<sup>22</sup>.

Сўров натижалари иш жойларида архитектура ва ахборот тўсиқлари сақланиб қолаётганини, шунингдек, иш берувчиларда стереотип қарашлар мавжудлигини кўрсатади.

Аниқланган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- билвосита дискриминация ҳолатлари;
- иш жойини мослаштириш ҳаражатларининг юқорилиги;
- квота тизимининг паст самарадорлиги;
- назорат механизмларининг формал хусусияти.

#### **V. Институционал ва процессуал механизмлар**

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқий мақоми қуйидаги элементлардан иборат комплекс тизим сифатида асосланади:

1. умумий ҳуқуқий лаёқат;
2. махсус кафолатлар;
3. ижобий мажбуриятлар;
4. институционал кафолатлар;
5. процессуал тенглик механизмлари;
6. иқтисодий рағбатлантириш инструментлари.

Давлат меҳнат инспекцияси меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминловчи муҳим институт ҳисобланади. Бироқ амалиётда текширувлар кўп ҳолларда формал характер касб этади, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат шароитларининг комплекс баҳолаш механизми етарлича ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- меҳнат инспекторлари учун инклюзив меҳнат стандартлари бўйича махсус малака ошириш дастурларини жорий этиш;

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.: 2022. <https://lex.uz/>

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/> О‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlar bazasi

<sup>21</sup> Халқаро меҳнат ташкилоти. Nogironlik va bандлик бўйича таҳлил. – Женева, 2024.

<sup>22</sup> Фредман С. Камситиш ҳуқуқи. – Оксфорд: Oxford University Press, 2011

- текширув жараёнида архитектура ва ахборот муҳитини баҳолаш мезонларини киритиш;

- квота ижроси ва иш жойини мослаштириш ҳолатини алоҳида мониторинг объекти сифатида белгилаш.

Суд ҳимояси реал имкониятлар тенглигини, ижтимоий адолатни қарор топтириш, камситишнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, ногиронлар учун махсус кафолатлар ва қўшимча чора-тадбирларни жорий этишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дискриминацияни исботлаш мураккаблиги даъвогар учун ортикча процессуал юк юзага келтирмоқда. Шу боис, дискриминация аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда исбот юқини қисман иш берувчи зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

Илмий тадқиқотлар ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозорига жалб этиш ялпи ички маҳсулот ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш бюджет тушумларини оширади ва ижтимоий трансфертлар харажатларини камайтиради. Демак, инклюзив меҳнат сиёсати ижтимоий адолат билан бир қаторда иқтисодий самарадорлик омили ҳамдир.

Иш берувчиларни рағбатлантириш мақсадида:

- иш жойини мослаштириш харажатларининг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаш;

- солиқ имтиёзлари бериш;

- грант ва мақсадли субсидия дастурларини жорий этиш таклиф этилади.

Касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш дастурларини ривожлантириш, давлат ва нодавлат сектор ҳамкорлигини кучайтириш ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Олиб борилган назарий, қиёсий ва эмпирик таҳлиллар қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқий мақоми кўп элементли комплекс тизимдир.

2. Субстантив тенглик принципи меҳнат ҳуқуқининг соҳавий тамойили сифатида эътироф этилиши лозим.

3. Ижобий мажбуриятлар давлат ва иш берувчининг аниқ ҳуқуқий бурчи сифатида мустаҳкамланиши шарт.

4. Иқтисодий рағбатлантириш инструментлари ҳуқуқий мақомнинг таркибий қисми сифатида қаралиши мумкин.

Бизнинг назаримизда юқоридаги масалаларни ҳал этиш соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, улар амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларимиз мақсади ва вазифаларига мос келади:

- биринчидан, «индивидуаллаштирилган мослаштириш» тушунчасини Меҳнат кодексида аниқ таърифлаш;

- иккинчидан квота бажарилмаган ҳолларда компенсацион механизмларни жорий этиш;

- учинчидан, суд амалиётини умумлаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш стандартларини ишлаб чиқиш;
- тўртинчидан, очиқ статистик маълумотлар базасини шакллантириш;
- бешинчидан, меҳнат бозори инфратузилмасини универсал дизайн принциплари асосида модернизация қилиш.

Хуллас, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқий мақоми формал эмас, балки субстантив тенгликка асосланган комплекс ҳуқуқий конструкция сифатида талқин этилиши лозим. Ушбу мақомни самарали амалга ошириш институционал, иқтисодий ва процессуал механизмларнинг ўзаро уйғунлашувини талаб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алексеев С.С. Умумий ҳуқуқ назарияси. – Москва: Норма, 2008.
2. Барнс К., Мерсер Г. Ногиронлик социологияси. – Кембриж: Polity Press, 2010.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь.
4. Nogironlar ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. 2006 йил. <https://lex.uz/>
5. Оливер М. Ногиронлик сиёсати. – Лондон: Macmillan, 1990.
6. Фредман С. Камситиш ҳуқуқи. – Оксфорд: Oxford University Press, 2011.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Тошкент, 2022. <https://lex.uz>
9. Ўзбекистон Республикасининг «Nogironligi бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 2020. <https://lex.uz/>
10. Халқаро меҳнат ташкилоти. Nogironlik ва бандлик бўйича таҳлил. – Женева, 2019.
11. Усманова М.А. O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi – ijtimoiy davlatning huquqiy kafolati. / IMRAS. Indonesian Journal of Scientific Educational, SJIF. Impact Factor (2024): 6.779. ISSN 2654-8259 VOLUME 7. ISSUE 04. april 2024. <https://www.doi.org/10.5281/zenodo.11080984>.
12. Усманова М. А. Организационно-правовые проблемы социальной защиты престарелых и инвалидов в Узбекистане. – 1995.